

Ипотека кредитлари шархи



2022 йил
9 ойи

МУНДАРИЖА

Ўзбекистонда ипотека кредити бозори.....	2
“Янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитлари.....	15
Банклар ўз маблағлари ҳисобидан ажратган ипотека кредитлари.....	19
Қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш учун ажратилган кредитлар.....	21
Ипотека кредитларининг сўндирилиши ҳолати.....	24
Иловалар.....	27

© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш борасида тижорат банклари фаолиятини мониторинг қилиш департаменти томонидан тайёрланган.

Фикр ва таклифларингиз учун:

Электрон манзил: dilshod_abd@cbu.uz

Тел.: (71) 212 60 99 (ички-26378)

Ўзбекистонда ипотека кредити бозори

Ипотека бозори рақобатбардош иқтисодиётни ривожлантириш, уни барқарорлаштириш ва модернизация қилишга ҳисса қўшади, шунингдек, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, қурилиш ва бошқа соҳаларни рағбатлантириш, молия бозорини турғунлаштириш ва инвестицияларни кўпайтириш орқали инфляция ва ижтимоий қескинликни пасайтиришга ёрдам беради.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ипотека кредити бозори ҳам кенгайиб бормоқда. Буни, аҳолининг уй-жой сотиб олишга бўлган талаби ошиши ортидан мамлакатда амалга оширилаётган уй-жой қурилишлари кўламининг ва аҳолига ипотека кредитларига оид ишларда амалий ёрдам берувчи “ипотека марказ” лари сонининг ортиб бораётганлиги, давлат бюджети маблағлари ҳисобига ипотека кредитлари ажратилишидан ташқари, банклар ўз маблағлари ҳисобидан ҳам ипотека кредитлари ажрататиётганлиги мисолида кўриш мумкин. Бу ҳам, ўз навбатида, ипотека бозорида банклар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шаклланишида ва ипотека кредитлари фоиз ставкасининг пасайишига омил бўлмоқда.

Рақамлар мисолида таҳлил қилинганда, 2022 йил 1 октябрь ҳолатига ипотека кредитлари қолдиги **43,2** трлн. сўмни ташкил этиб, 2021 йилнинг мос даврига нисбатан қарийб **32** фоизга (**10,4** трлн. сўмга) ўсган бўлса, 2022 йил 9 ойи давомида **53 541** нафар фуқарога ипотека кредитлари ажратилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан (2021 йил 9 ойи давомида 41 932 нафар фуқарога 6,1 трлн.сўм) **68** фоизга ёки **4 193,1** млрд. сўмга ошиб, **10,3** трлн. сўмни ташкил этди.

Шундан, Молия вазирлиги маблағлари ҳисобидан **41 245** нафар фуқарога **7,6** трлн.сўм ҳамда банк ўз маблағлари ҳисобидан **11 351** нафар фуқарога **2,6** трлн. сўм миқдорида ипотека кредитлари ажратилган.

Мазкур даврда ажратилган жами ипотека кредитларининг **8** трлн.сўми ёки **76** фоизи (нафарга нисбатан) бирламчи бозордаги уйларга, **2,3** трлн.сўми ёки **24** фоизи иккиласчии бозордаги уйлар учун йўналтирилган. Ушбу кредитларнинг **41** фоизи (**21 725** нафар) хотин-қизлар ҳисобига тўғри келади.

Эътиборлиси, банклар ўз маблағи ҳисобидан ажратган ипотека кредитларининг жами ажратилган ипотека кредитларидағи улуши 2022 йил 9 ойида **25,2** фоизни (2 608,8 млрд. сўм) ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан (654,1 млрд. сўм, жами ажратилган ипотека кредитларидағи улуши 11 фоиз) **299** фоизга ёки **4** баробарга ошган.

2022 йил 9 ойи давомида “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК ҳамда “Ўзшаҳар қурилиш инвест” ИК томонидан қурилган уйларни сотиб олиш

учун ажратилган ипотека кредитларининг жами ажратилган ипотека кредитларидағи улуши **16,5** фоизни (1 705,4 млрд. сўм) ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврида **23** фоиз (1 412,5 млрд. сўм) бўлган бўлса, мазкур даврда аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг бозор тамойилларига асосланган “Янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитларининг улуши **46,5** фоиздан (2 861,5 млрд. сўмга) **57** фоизга (5 898,7 млрд. сўмга) ошди.(1-жадвал).

1-жадвал

Ипотека кредитларининг асосий кўрсаткичлари

	2020 йил 9 ойида	2021 йил 9 ойида	2022 йил 9 ойида
Ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда	6 444,3	6 149,3	10 342,4
- бирламчи бозорда	6 298,2	4 893,4	7 977,2
- иккиламчи бозорда	146,1	1 255,9	2 365,2
“Янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда	793,3	2 861,5	5 898,7
- 1 ва 2 хонали квартира учун	367,5	1 459,6	2 848,4
- 3 ва ундан кўп хонали квартира учун	425,8	1 353,1	2 304,1
- якка тартибдаги уй-жойлар учун		48,8	746,2
Банк ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда	1 215,6	654,1	2 608,8
“Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда		1 221,3	129,5
- бирламчи бозордага уй-жойларга		2,2	1,4
- иккиламчи бозордаги уй-жойларга		1 208,3	109
- уй-жойни таъмирлашга		10,8	19,1
Ипотека кредитлари қолдиги, трлн. сўмда	01.10.2020й.	01.10.2021й.	01.10.2022й.
	26,1	32,8	43,2

Таъкидлаб ўтиш лозимки, 2022 йилнинг дастлабки 9 ойида ажратилган ипотека кредитлари таркибий ўзгаришлар натижасида ўсиши билан бир қаторда, ипотека кредитларига бўлган талаб юқорилигича қолмоқда ҳамда мазкур талаблар, энг аввало:

- иқтисодий кўрсаткичларнинг жадал ўсиши (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ялпи ички маҳсулот 5,8 фоизга, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот 3,6 фоизга, асосий капиталга киритилган

инвестициялар 5,0 фоизга ҳамда мамлакатда курилиш ишлари 6,3 фоизга ўсиши);

- аҳоли сонининг доимий ўсиб бориши (2022 йил 1 октябрь ҳолатига аҳоли сони 35,8 млн. кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,1 фоизни ташкил этиши);

- республикада инвестицион фаолликнинг ошиши натижасида қурилиш соҳасида фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий тармоқлардаги улуши ошиши;

- “Янги тартиб” жорий этилиши натижасида тижорат банклари ипотека кредитлари ажратиш учун барқарор ресурс манбаи билан таъминланаётганлиги;

- иккиламчи ипотека бозоридан уй-жой сотиб олиш, якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун ва улушдор жисмоний шахсларга ажратиладиган ипотека кредитларининг соддалаштирилганлиги билан изоҳланади.


Шунингдек, сўнгги йилларда мамлакатимизда доимий яаш манзили сифатида рўйхатдан ўтган жойи бошқа ҳудуд бўлишига қарамасдан, республиканинг исталган ҳудудида уй-жой сотиб олиш, яаш ва ишлаш ҳуқуқининг эркинлаштирилганлиги, фуқароларнинг бир ҳудуддан бошқа ҳудудга кўчиб ўтиш истакларининг ортишига сабаб бўлган бўлса, бу ўз навбатида, турар жойга бўлган эҳтиёжни янада оширди.

Мисол учун, Давлат статистика қўмитаси маълумотига кўра, 2022 йилнинг январь-сентябрь ойларида Тошкент шаҳрига республиканинг бошқа ҳудудларидан доимий яаш мақсадида кўчиб келганлар сони 36 902 кишини ташкил этган.


Юқорида қайд этилган ва бошқа бир қатор омиллар натижасида 2019 – 2021 йиллар ва 2022 йил 9 ойида ипотека кредитлари қолдиги **3,1** баробарга (29,4 трлн. сўмга), ипотека шартномалари сони эса қарийб **2** баробарга (150,9 минг дона) ошган. (1-расм).

1-расм

**Ипотека шартномалари сони
минг дона**




**Ипотека кредитлари қолдиги
трлн.сўмда**



2022 йилнинг 9 ойи мобайнида нотариус идоралари томонидан жами тасдиқланган уй-жой олди-сотди шартномалар сонида (**191 100** та) ажратилган ипотека кредити орқали олди-сотди бўлганларнинг (**53 541** нафар фуқарога) улуши **28** фоизни ташкил этди. (2-расм)

2-расм

Нотариус идоралари томонидан жами тасдиқланган уй-жой олди-сотди шартномалари ва ажратилган жами ипотека кредитлари сони




Манба: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

2022 йил 1 октябрь ҳолатига ипотека кредитлари қолдигининг жами кредит қолдигига (**362,9 трлн. сўм**) нисбатан улуши **11,9** фоизни (**43,2 трлн. сўм**) ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **31,3** фоизга (**10,3 трлн. сўмга**) ошган. (3-расм).

3-расм


Жами кредит портфелида ипотека кредитлари қолдигининг улуши, фоизда



Худудлар кесимида, **Тошкент шаҳрида** ипотека кредитлари қолдиғи **9,1** трлн. сўмни (*худуднинг жами кредит қолдиғидаги улуши 4 фоиз*), **Самарқандда** **4,1** трлн. сўм (29 фоиз), **Қашқадарёда** **3** трлн. сўмни (31 фоиз) ва **Қорақалпоғистон Республикасида** **2,3** трлн. сўмни (33 фоиз) ташкил этди. (4-5-расмлар).


4-расм

2022 йил 1 октябрь ҳолатига ҳудудлар кесимида ипотека кредити қолдиғининг жами кредит портфелидаги улуши, фоизда



5-расм

Ипотека кредитларининг тижорат банклари умумий кредит портфелидаги улуши, фоизда



Ажратилган ипотека кредитлари қолдиғининг **27,4** фоизи (11,8 трлн. сўм) **Ипотека банк**, **22,6** фоизи (9,8 трлн. сўм) **Қишлоқкурилишбанк**, **15,7** фоизи (6,8 трлн. сўм) **Миллийбанк**, **7,4** фоизи (3,2 трлн. сўм) **Асакабанк**, **7,7** фоизи (3,3 трлн. сўм) **Ўзсаноатқурилишбанк**, **6** фоизи (2,6 трлн. сўм) **Халқ банки** ҳамда

13,3 фоизи (5,7 трлн. сўм) бошқа тижорат банклари ҳиссасига тўғри келмоқда. (6-расм).

6-расм


2022 йил 1 октябрь ҳолатига ипотека кредити қолдигида тижорат банкларининг улуши, фоизда




Ипотека кредитлари қолдигининг **185,1** млрд. сўми (жами ипотека кредити қолдигининг 0,4 фоизи) **7** йил, **2 923,5** млрд. сўми (6,8 фоизи) **10** йил, **8 579,7** млрд. сўми (19,9 фоизи) **15** йил, **31 509,7** млрд. сўми (72,9 фоизи) **20** йилгача ажратилган ипотека кредитлари ҳиссасига тўғри келган. (7-расм).

7-расм

Ипотека кредити портфелининг муддатлар бўйича таҳлили, фоизда




Ипотека кредити портфелининг муддатлар бўйича таҳлили, мингда



2022 йил 9 оида жисмоний шахсларга ажратилган жами кредитлар қолдиги (90,5 трлн. сўм) таркибида ипотека кредитлари қолдигининг улуши **47,7** фоизни ташкил этган. (8-расм).

8-расм

Ипотека кредити қолдиғининг жисмоний шахсларга ажратилган жами кредитлар қолдиғига нисбати




Жисмоний шахсларга ажратилған кредитлар қолдиғи үтган йилнинг мос даврига нисбатан **37,5** фоизга (**24,7 трлн. сүмга**) ошган бўлса, ипотека кредитлари қолдиғи **31,3** фоизга (**10,3 трлн. сүмга**) ўсган.

Шунингдек, 2022 йил 9 ойи мобайнида худудлар кесимида ажратилған ипотека кредитларининг ялпи худудий маҳсулотга нисбати **Тошкент шаҳрида** (**2,9** фоиз), **Сурхондарё вилоятида** (**2,6** фоиз), **Фарғона** (**2,2** фоиз) ва **Наманган** вилоятларида (**2,1** фоиз) нисбатан юқори шаклланган бўлса, энг паст кўрсаткичлар **Тошкент** (**0,9** фоиз), **Навоий** ва **Қашқадарё** вилоятлари (**1,4** фоиздан) ҳиссасига тўғри келмоқда. (9-расм).

9-расм.

Ажратилған ипотека кредитларининг ялпи худудий маҳсулотдаги улуси, фоизда




2022 йил 9 ойида ажратилган ипотека кредитлари

Худудлар кесими бўйича таҳлил қилинганда, 2022 йил 1 октябрь ҳолатига ажратилган ипотека кредитларининг **61** фоизи **5** та ҳудудлар ҳиссасига тўғри келиб, бунда **30,7** фоизи (3 175,8 млрд. сўм) **Тошкент шахри**, **8,4** фоизи (**869,6** млрд. сўм) **Фарғона**, **8,2** фоизи (**847,3** млрд. сўм) **Самарқанд**, **7,3** фоизи (**755,1** млрд. сўм) **Андижон** ҳамда **6,3** фоизи (**648,8** млрд. сўм) **Сурхондарё** вилоятида истиқомат қилувчи фуқароларга ажратилган. (10-расм).

10-расм.

2022 йил 9 ойида ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда




Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳудудлар кесимидаги ажратилган ипотека кредитлари сони ҳамда мазкур ҳудудда **1 км.кв.га тўғри келадиган аҳоли сони** ўртасида боғлиқ эластиклик юқори шаклланган бўлиб, улар сонининг ошиши ипотека кредитига бўлган талабни ошишини кўрсатмоқда.

Хусусан, 2022 йил 9 ойда ажратилган ипотека кредитларининг юқори сони **Тошкент шахрида 10,7** минг та (1 кв. км.га тўғри келадиган аҳоли сони 8764 нафар), **Фарғонада 5,3** минг та (582 нафар) **Самарқанд вилоятида 4,5** минг тани (244 нафар) ташкил этмоқда. (11-расм).

11-расм


Ҳудудларда аҳоли зичлиги ҳамда ажратилган ипотека кредитлари сони ўртасида боғлиқлик чизмаси



2022 йил 9 ойда тижорат банклари томонидан ажратилган ипотека кредитларининг **1,5** фоизи (*кредит шартнома сони 2 581 та*) 100 млн.сўмгача, **23,8** фоизи (*22 892 та*) 101-200 млн.сўмгача, **40,8** фоизи (*18 206 та*) 201-300 млн.сўмгача, **21,5** фоизи (*7 346 та*) 301-400 млн.сўмгача, **10** фоизи (*1 415 та*) 401 млн.сўмдан юқори миқдорни ташкил этган. (12-расм)

12-расм


2022 йил 9 ойида ажратилган ипотека кредитларининг миқдорига кўра таркибий улуши



2022 йил 9 ойида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари ҳисобига сотиб олинган уй-жойларнинг ўртача нархлари таҳлил қилинганда, хонадонларнинг нисбатан баландроқ нархи Тошкент шаҳрида (463,8 млн. сўм), Андижон (311 млн. сўм), Сурхондарё (297,1 млн. сўм) ва Самарқанд (296,6 млн. сўм) вилоятларида шаклланган бўлса, нисбатан паст нархлар Хоразм вилояти (194,5 млн. сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (200,7 млн. сўм) ва Қашқадарё вилоятида (224 млн. сўм) кузатилди. (13-расм)

13-расм


Хонадонларнинг ўртача нархи (млн. сўмда)



Бироқ, республика миёсида худудларда бирламчи бозордаги уй-жойлар сотилишининг ўртача нархлари 2022 йил сентябрь ойи учун таҳлил қилинганда, квартиralарнинг 1 м./кв. учун ўртача нархлари **Тошкент шаҳрида** (9,4 млн.сўм), **Самарқандда** (8,3 млн.сўм) ва **Тошкент вилоятида** (5,8 млн.сўм) нисбатан энг юқори нархлар бўлса, **Хоразм** (3,1 млн.сўм) **Жиззах** (3,7 млн.сўм), **Сирдарё** (3,7 млн.сўм) вилоятларида нисбатан паст нархлар кузатилди. (14-расм)

14-расм

**Бирламчи ва иккиламчи бозордаги квартираларнинг 1 м.кв. учун
ўртача нархлари, млн.сўмда**




Манба: Марказий банк ва веб саҳифалар

Шунингдек, ҳисобот даврида жами ажратилган ипотека кредитлари таркибида “Янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитларининг улуши **57** фоизни (5 898,7 млрд. сўм), банк ўз маблағлари ҳисобидан ажратган ипотека кредитлари улуши **25** фоизни (2 608,8 млрд. сўм), “Қишлоққурилишинвест” ИК ва “Ўзшаҳарқурилишинвест” ИК томонидан қурилган уйларни сотиб олиш учун ажратилган ипотека кредитларининг улуши **16** фоизни (1 705,4 млрд. сўм) ташкил этган бўлса, “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар эса **1** фоизни (129,5 млрд. сўм) ташкил этди. (15-расм).

15-расм


2020 - 2021 йиллар ва 2022 йил 9 ойи давомида ажратилган ипотека кредитлари таркибий улуши, фоизда



2022 йилнинг 9 ойи мобайнида ажратилган ипотека кредитларининг **21** фоизи (2 347,6 млрд. сўм) 18-30 ёшгача, **70** фоизи (7 149,7 млрд. сўм) 31-50 ёшгача, **9** фоизи (845,1 млрд. сўм) эса 50 ёшдан юқори фуқароларга ажратилган. (16-расм).

16-расм

2022 йилнинг 9 ойида ажратилган ипотека кредитлари мижозларининг ёш бўйича таснифи, фоизда



18-30 ёшгача



31-50 ёшгача



50 ёшдан юқори

Шунингдек, **бирламчи** бозордаги уйларни сотиб олиш учун **40 913** нафар фуқарога (жамига нисбатан 76 фоиз) **7 977,2** млрд. сўм ва **иккиламчи** бозордаги уйларни сотиб олиш учун **12 628** нафар фуқарога (24 фоиз) **2 365,2** млрд. сўм миқдорида ипотека кредитлари ажратилган.

2022 йил 9 ойида “Янги тартиб” доирасидаги шартлар асосида ажратилган ипотека кредитлари қайтарилишида ойлик тўловлари миқдори

2-жадвал


Т/р	Кредит миқдори	Кредит муддати	Тўлов усули	Ойлик тўлов	
				Кредит йиллик фоиз ставкаси	
				17 % бўлганда	18 % бўлганда
1	100 млн. сўм	20 йил	Аннуитет (ҳар ойда тенг миқдорларда)	1 466 801 сўм	1 543 312 сўм
2	150 млн. сўм			2 200 201 сўм	2 314 967 сўм
3	200 млн. сўм			2 933 601 сўм	3 086 623 сўм
4	250 млн. сўм			3 667 001 сўм	3 858 279 сўм
5	300 млн. сўм			4 400 402 сўм	4 629 935 сўм
6	350 млн. сўм			5 133 802 сўм	5 401 590 сўм
7	400 млн. сўм			5 867 202 сўм	6 173 246 сўм

“Янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитлари

2022 йил 9 ойида “Янги тартиб” доирасида 26 588 нафар фуқароларга жами **5 898,7** млрд. сўм (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **2,1** баробарга ёки **3 037,2** млрд. сўмга кўп) миқдоридаги ипотека кредитлари ажратилди. Ипотека кредитларининг **2 848,4** млрд. сўми (**48** фоизи) **1** ва **2** хонали квартира, **2 304,1** млрд. сўми эса (**39** фоизи) **3** ва ундан кўп хонали квартираларни, шунингдек, **746,2** млрд. сўми (**13** фоизи) якка тартибдаги уй-жойларни сотиб олиш учун берилган.

17-расм

“Янги тартиб” доирасида тижорат банклари томонидан аҳолига ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда




Ажратилган мазкур ипотека кредитларининг энг юқори улушлари **Тошкент** шаҳри (**1 300,2** млрд. сўм), **Фарғона** вилояти (**674,3** млрд. сўм), **Самарқанд** вилояти (**649,7** млрд. сўм) ҳамда **Сурхондарё** вилоятлари (**544,8** млрд. сўм) ҳиссасига тўғри келмоқда. (17-расм).

2021-2022 йилларнинг мос равишда 9 ойида “Янги тартиб” доирасида тижорат банклари томонидан аҳолига **8 760,2** млрд. сўм миқдоридаги ипотека кредитлари ажратилиб, уларнинг энг юқори улуши **Ипотека банк** (**27,6** фоизи), **Қишлоққурилишбанк** (**26,3** фоизи), **Миллийбанк** (**14,4** фоизи), **Халқ банки** (**7,7** фоизи) ҳамда **24** фоизи бошқа иштирокчи тижорат банклари ҳиссасига тўғри келмоқда.(18-расм).

18-расм


2021-2022 йиллар 9 ойида “Янги тартиб” доирасида тижорат банклари томонидан аҳолига ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда



2020-2021 йиллар ва 2022 йил 9 ои давомида “Янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитлари миқдори 14 640,2 млрд. сўм нинг 35,6 фоизи (22 618 нафар фуқароларга 5 218,8 млрд. сўм) уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож субсидия хабарномасига эга фуқароларга ажратилган.

19-расм

“Янги тартиб” доирасида субсидия хабарномасига эга фуқароларга ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда



Мазкур кредитларнинг **1 101** млрд. сўми (**21,1** фоизи) **Самарқанд**, **733,7** млрд. сўми (**14,1** фоизи) **Сурхондарё**, **639** млрд. сўми (**12,2** фоизи) **Фарғона** вилоятларида ва **586,2** млрд. сўми (**11,2** фоизи) **Тошкент шаҳрида** истиқомат қилувчи уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож фуқаролар ҳиссасига тўғри келади.(19-расм).

Шунингдек, “Янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитлари бўйича ўртacha фоиз ставкаси ойлар кесимида қарапганда, энг паст кўрсаткич **17,2** фоизни ташкил этиб, июль-август ойларига тўғри келган. (20-расм).

20-расм

“Янги тартиб” доирасида ҳамда банкларнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитларининг ўртacha фоиз ставкаси, фоизда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, Молия вазирлиги томонидан ажратилган маблағлар ва тижорат банкларининг ипотека кредитлари бўйича фоизлар мос равишда камайиши, оширилган тақдирда эса ўзгаришсиз қолиши белгиланган.

Хусусан, Марказий банкнинг асосий ставкаси 2020 йилда **16** фоиздан **14** фоизга туширилди ва бу ўз навбатида, ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкаларининг ҳам пасайишига олиб келган.

Бироқ, 2022 йил 17 марта куни Марказий банк томонидан қайта молиялаш ставкаси **14** фоиздан **17** фоизга оширилиши, сўнг 10 июняда **17** фоиздан **16** фоизга ва кейин 22 июляда **15** фоизга туширилишига

қарамасдан, фуқаролар томонидан олинган ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкаси ўзгаришсиз қолди.

Бунга сабаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПҚ-199-сон “Марказлашган манбалар ҳисобидан ипотека ва таълим кредитлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича фоиз ставкаларини белгилаш тўғрисида”ги қарорида Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларига ипотека ва таълим кредитлари учун ажратиладиган ресурс маблағлари бўйича фоиз ставкаларини **2022 йил якунига қадар**, истисно тариқасида, амалдаги фоиз ставкаларида, яъни ипотека кредити бўйича **13** фоиз миқдорида сақлаб қолиш белгиланди.

Шунингдек, мазкур қарорда Молия вазирлиги томонидан ажратилган ресурс маблағлари ҳамда тижорат банкларининг ипотека ва таълим кредитлари бўйича фоиз ставкаларини мутаносиб равишда камайтириш механизми Марказий банкнинг асосий ставкаси **14** фоиздан пасайганда қўлланилиши белгиланган.

Ўзбекистон ва бошқа қўшни давлатларда ипотека кредитлари ҳолати бўйича солиштирма маълумот

	Ўзбекистон	Россия	Қозогистон	Қирғизистон
Қайта молиялаш ставкаси, %	15	7,5	14,5	14
Ипотека кредитининг йиллик ўртача фоизи, %	17,3	6,67 (01/09//2022 й.)	8,6	17
Ипотека кредитининг ўртача муддати	18,8 йил	23,2 йил	9,2 йил	10,8 йил
Ипотека кредитининг энг узоқ муддати	20 йил	30 йил	25 йил	25 йил
Ипотека кредитининг ўртача миқдори, \$	19 371 \$	60 670 \$	32 763 \$	42 610 \$
	2019 йил	3,8	17,5	3
	2020 йил	4,9	9,4	5
Ипотека портфелининг ЯИМ даги улуши, %	5,3	10	3,6	2,89 (09/2021 й.)
	2021 йил	6,9	10	*
**Пойтахтда янги қурилган уйларнинг ўртача нархи (1 м.кв.)	844 \$	4162 \$	1 060 \$	832 \$
**Пойтахтда иккиласми бозордаги уйларнинг ўртача нархи (1 м.кв.)	860 \$	4665 \$	1 238 \$	1 054 \$

Манба: макроиктисодий таҳлилларга оид расмий вебсаҳифалар ва иқтисодий тадқиқотлар марказлари анализлари асосида.(frankrg.com, banks.kg, nbkr.kg, nationalbank.kz, cdn5.vedemosti.ru, theglobaleconomy.com, knews.kg, krisha.kz, bishkek.etagi.com ...)

***квартиralарнинг ўртача нархлари тўғрисидаги маълумотлар, очиқ интернет саҳифаларидан таҳлиллар асосида олинди. Реал ҳаётда ушбу кўрсатилган нархларда сотилган/сотиб олинганлиги номаълум.*


Банклар ўз маблағлари ҳисобидан ажратган ипотека кредитлари

2022 йил 9 ойида жами 25 та тижорат банклари томонидан ўз маблағлари ҳисобидан **11 351** нафар фуқарога **2 608,8** млрд. сўм микдоридаги ипотека кредитлари ажратилди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан қарийб **4** баробарга кўп демакдир.

Ажратилган кредитларнинг **23,3** млрд. сўми 5 йилгача муддатга (**102** нафар фуқарога, жамига нисбатан **0,9** фоиз), **1 544,9** млрд. сўми 10 йилгача муддатга (**7 379** нафарга, **65** фоиз) ва **1 040,6** млрд. сўми 15 йилгача муддатга (**3 870** нафарга, **34,1** фоиз) ажратилган. (21-расм)

21-расм


2022 йил 9 ойида банклар ўз маблағлари ҳисобидан ажратилиган жами ипотека кредитларининг ажратилиш муддатига кўра улуши, фоизда



Банклар ўз маблағлари ҳисобидан микдорига кўра **Тошкент шаҳрида** **1 328,4** млрд. сўм (жамига нисбатан **51** фоиз), **Навоий вилоятида** **201,7** млрд. сўм (**8** фоиз), **Тошкент вилоятида** **207,6** млрд. сўм (**8** фоиз) ва **Андижон** вилоятида **124,5** млрд. сўм (**5** фоиз) ипотека кредитлари ажратилган. (22-расм)

22-расм


2021-2022 йиллар 9 ойида банклар ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган жами ипотека кредитларининг ҳудудлар кесимида улуши, млрд. сўм



Миллий банк 591,1 млрд. сўм (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 14,6 баробарга ошган), Халқ банки 569,9 млрд. сўм (8,8 баробарга ошган), Ориент финанс банк 484,7 млрд. сўм (7 баробарга ошган), Ҳамкор банк 125,0 млрд. сўм (28,4 баробарга ошган) ва Давр банк 156,6 млрд. сўм (4,6 баробарга ошган) миқдорида ипотека кредитларини ўз маблағлари ҳисобидан ажратган. (23-расм)

23-расм

2021-2022 йилларнинг 9 ойида банклар ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган жами ипотека кредитларининг банклар кесимида улуши, млрд. сўм




Қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш учун ажратилган кредитлар

2022 йил 9 ой давомида жами ажратилган 10 342,4 млрд.сўм миқдоридаги ипотека кредитлари таркибида **872,4** млрд.сўм (жамига нисбатан 8,4 фоиз.) миқдоридаги кредитлар қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш мақсадлари учун **6 296** нафар фуқарога ажратилган.

Бунда, “янги тартиб” доирасида ажратилаётган якка тартибдаги хонадон қуриш ва реконструкция қилиш учун **746,2** млрд.сўм ҳамда банклар ўз маблағлари ҳисобидан, таъмирлаш мақсадлари учун **126,2** млрд.сўм миқдоридаги ипотека кредитлари ажратилган. (24-расм)

(24-расм).

Қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш учун ажратилган кредитлар миқдори, млрд.сўм




“Янги тартиб” доирасида нисбатан кўп миқдорда **Фарғона** (108,1 млрд. сўм) ва **Хоразм** (92,2 млрд. сўм) вилоятларида якка тартибдаги хонадонни қуриш ва реконструкция қилиш учун кредитлар ажратилган бўлса, **Наманган** (30,9 млрд. сўм) **Самарқанд** (40,8 млрд. сўм) ва **Жizzах** (46,7 млрд. сўм) вилоятларида нисбатан кам миқдорда ажратилган. (25-расм).

Мазкур кредит **Халқ** банки (243,1 млрд. сўм), **Қишлоққурилишбанк** (134,5 млрд. сўм) ва **Миллий** банклар (118 млрд. сўм) томонидан нисбатан энг кўп ажратилган бўлса, энг кам миқдорлар **Ориент финанс** банк (0,1 млрд. сўм) ва **Ипотека** банк (7,3 млрд. сўм) ҳиссасига тўғри келмоқда. (26-расм).

“Янги тартиб” доирасида якка тартибдаги хонадонни қуриш ва реконструкция қилиш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда - 327,25 млн.сўмгача ипотека кредити ажратилиши белгиланган бўлиб, ушбу кредит тури Тошкент шахри учун ажратилиши белгиланмаган.


(25-расм).

“Янги тартиб” доирасида якка тартибдаги хонадонни қуриш ва реконструкция қилиш учун ҳудудлар кесимида ажратилган кредитлар, млрд.сўм



(26-расм).


Тижорат банклари томонидан “Янги тартиб” доирасида якка тартибдаги хонадонни қуриш ва реконструкция қилиш учун ажратилган кредитлар, млрд.сўм



Банклар ўз маблағлари ҳисобидан таъмирлаш учун ажратган жами 126,2 млрд.сўм миқдордаги ипотека кредитларининг 53 млрд.сўми Ипотека банк, 30 млрд.сўм Миллий банк, 18,8 млрд.сўм Халқ банки ва 6 млрд.сўми Ориент финанс банклари томонидан ажратилган бўлса, 18,4 млрд.сўм бошқа банклар томонидан ажратилган.(27-расм).

(27-расм).

Тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан таъмирлаш учун ажратганган кредитлар, млрд.сўм




Ипотека кредитларининг сўндирилиши ҳолати

Жами ипотека кредитлари қолдигининг 0,1 фоизи (53 млрд. сўм) **2010 йилгача**, 8,5 фоизи (3 657,3 млрд. сўм) **2011-2016 йиллар давомида**, 69,3 фоизи (29 929,4 млрд. сўм) **2017-2021 йилларда** ажратилган ипотека кредитлари хиссасига түғри келса, 22,1 фоизи (9 557,9 млрд. сўм) **2022 йилнинг 9 ойида** хиссасига түғри келади. (28-расм).

28-расм

Ипотека кредити қолдигининг ажратилган даври бўйича тақсимоти, фоизда



2022 йил 1 октябрь ҳолатига Ипотека банк томонидан **641,1** млрд. сўм (жами сўндирилган ипотека кредитларининг 24,4 фоизи) сўндирилган бўлса, мазкур кўрсаткич **Қишлоқ қурилиш банқда 574,9** млрд. сўмни (21,9 фоиз), **Миллий банқда 316,7** млрд. сўмни (12,1 фоиз), **Ўзсаноатқурилиш банкида 230,3** млрд. сўмни (8,8 фоиз) ташкил этмоқда.

Сўндирилган ипотека кредитларининг кредит графигига нисбати **Агро банкда 116** фоизни (кредит графигига нисбатан 33 млрд. сўм кўп сўндирилган) **Халқ банкида 34** фоизни (+33,9 млрд. сўм), **Қишлоқ қурилиш банқда 25** фоизни (+116,2 млрд. сўм), **Миллий банқда 31** фоизни (+74,9 млрд. сўм) ташкил этган бўлса, **Ипотека банкда 32** фоизни (+156,2 млрд. сўм) ва **Ўзсаноатқурилиш банкида 44** фоиз (+70,7 млрд. сўм) микдорда кредит графигига нисбатан кўп ипотека кредитлари сўндирилган. (29-расм).

29-расм

2022 йил 9 ойида сўндирилган жами ипотека кредити миқдори, млрд. сўмда




Шунингдек, 2022 йил 9 ойида **200** минг нафардан ортиқ фуқаролар жами **2 623,1** млрд. сўм (кредит графигига нисбатан 1,4 баробарга ёки 768,2 млрд. сўмга кўп) миқдордаги маблағни ипотека кредитлари учун қайтарган бўлса, шундан, **23 619** нафар фуқароларнинг ипотека кредитлари тўлиқ сўндирилган. 2021 йилнинг мос даври билан таққослаганда, жами **1 544,1** млрд. сўм миқдордаги ипотека кредитлари сўндирилган бўлиб, шундан 7 476 нафар фуқарони ипотека кредитлари тўлиқ сўндирилган. Бунда, 2022 йилнинг 9 ойида ипотека кредитларининг қайтувчанлик даражаси **25,4** фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига (24,4 фоиз) нисбатан **1** фоиз бандга ошган.

Жумладан, **Тошкент шаҳрида** **773,1** млрд. сўм (жами сўндирилган ипотека кредитларининг 29,5 фоизи), **Қорақалпоғистон Республикасида** **219** млрд. сўм (8,3 фоиз), **Қашқадарёда** **199,9** млрд. сўм (7,6 фоизи), **Самарқандда** **192,1** млрд. сўм (7,3 фоизи) миқдоридаги ипотека кредитлари сўндирилди. (30-расм).

30-расм


**2022 йил 9 ойида сўндирилган жами ипотека кредити миқдори,
млрд. сўмда**



Таҳлилларга кўра, 2022 йил якунига қадар (октябрь, ноябрь ва декабрь ойлари давомида) барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитларининг жами **618,3** млрд. сўми, жумладан, **Тошкент шаҳрида 147,5** млрд. сўм (жами сўндирилиши кутилаётган ипотека кредитларининг 23,9 фоизи), **Қашқадарёда 47,3** млрд. сўм (7,6 фоизи), **Самарқандда 52,1** млрд. сўм (8,4 фоизи), **Қарақалпогистон Республикасида 39,7** млрд. сўм (6,4 фоиз) миқдордаги маблағлар ипотека кредитлари ҳиссасига қайтарилиши кутилмоқда. (31-расм).

31-расм

**Тижорат банклари томонидан ажратилган ипотека кредитларининг
2022 йилнинг сўнгги 3 ойи давомида сўндирилиши кутилаётган миқдори,
млрд. сўмда**



1.1-илова

2017-2022 йиллар 9 ойи давомида ахолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд. сўмда

№	Худудлар номи	Жами ажратилган кредитлар	шундан												Жами ажратилган кредитлар қолдиги (01.10.2022 й.)	
			2017 йил 9 ойида		2018 йил 9 ойида		2019 йил 9 ойида		2020 йил 9 ойида		2021 йил 9 ойида		2022 йил 9 ойида			
			сони	суммаси												
	ЖАМИ	163 250	21 058,1	19 250	1 882,9	41 488	3 687,3	46 258	5 304,2	50 627	6 444,3	41 932	6 149,3	53 541	10 342,4	43 198,0
1	Коракалпогистон Республикаси	11 062	1 162,9	1 206	97,2	3 106	269,4	4 336	498,5	3 203	351,2	2 695	244,3	2 490	320,3	2 300,9
2	Андижон вилояти	10 303	1 279,3	1 496	122,6	2 896	216,2	1 934	204,3	1 631	212,4	3 015	493,7	3 788	755,1	2 940,2
3	Бухоро вилояти	6 499	781,0	146	12,8	2 288	233,4	1 878	216,7	1 796	144,1	2 075	255,8	2 780	448,5	2 134,5
4	Жиззах вилояти	8 499	840,5	1 578	97,4	2 804	182,7	2 026	214,6	2 092	248,2	1 324	166,9	1 957	370,8	1 988,8
5	Қашқадарё вилояти	13 045	1 331,4	2 520	253,8	4 985	529,0	3 852	413,7	3 680	299,6	2 561	273,4	3 054	438,4	3 005,7
6	Навоий вилояти	7 726	921,5	1 316	116,0	1 669	111,6	1 712	130,9	1 395	167,8	1 984	299,4	3 525	609,3	2 135,9
7	Наманган вилояти	8 468	1 003,4	433	36,8	1 565	146,4	2 228	232,3	2 806	189,6	2 710	362,8	3 299	597,8	2 502,2
8	Самарқанд вилояти	12 820	1 612,8	1 951	167,2	3 628	322,9	4 594	497,0	4 484	625,0	3 372	585,4	4 456	847,3	4 099,4
9	Сурхондарё вилояти	11 704	1 385,6	1 832	147,0	3 458	304,8	2 852	329,9	3 664	422,7	3 295	392,7	3 407	648,8	3 170,2
10	Сирдарё вилояти	5 813	633,0	1 245	77,3	1 561	120,2	1 625	150,4	1 244	179,8	1 288	196,3	1 304	225,6	1 331,8
11	Тошкент вилояти	15 014	1 552,8	1 300	97,3	2 927	188,2	5 097	579,7	5 642	528,5	3 355	426,4	4 199	619,1	3 069,6
12	Фарғона вилояти	13 876	1 496,6	1 559	128,3	2 874	228,4	4 196	392,8	3 506	304,8	4 406	570,4	5 263	869,6	3 500,1
13	Хоразм вилояти	9 273	703,5	1 337	109,8	2 559	175,9	2 099	203,0	3 035	151,4	2 612	235,8	3 336	415,9	1 932,3
14	Тошкент шаҳри	29 148	6 354,0	1 331	419,3	5 168	658,1	7 829	1 240,4	12 449	2 619,1	7 240	1 646,1	10 683	3 175,8	9 086,5

1.2-илова

2017-2022 йиллар 9 ойи давомида ахолига ажратилган ипотека кредитлари

№	Тижорат банклари номи	Жами ажратилган кредитлар	шундан												Жами ажратилган кредитлар қолдиги (01.10.2022 й.)	млрд. сўмда		
			2017 йил 9 ойида		2018 йил 9 ойида		2019 йил 9 ойида		2020 йил 9 ойида		2021 йил 9 ойида		2022 йил 9 ойида					
			сони	суммаси														
ЖАМИ		163 250	21 058,1	19 250	1 882,9	41 488	3 687,3	46 258	5 304,2	50 627	6 444,3	41 932	6 149,3	53 541	10 342,4	43 198,0		
1	Ипотекабанк	47 815	6 124,1	2 683	277,0	13 565	1 281,8	13 983	1 782,1	21 630	2 717,5	16 062	2 184,3	8 703	1 527,2	11 831,6		
2	Асакабанк	15 676	1 999,1	2 244	220,0	4 853	473,7	6 929	812,9	6 452	972,0	1 155	200,0	730	151,3	3 204,1		
3	Миллийбанк	24 987	3 169,8	3 956	302,6	5 807	422,2	6 223	599,7	6 062	593,1	5 346	659,7	13 206	2 800,7	6 768,0		
4	Ўзсаноатқурилишбанк	16 631	2 135,3	2 194	257,9	3 920	343,9	6 460	722,5	5 970	1 032,2	2 255	370,3	1 789	277,4	3 330,5		
5	Халқ банки	10 890	1 131,1	1 534	122,7	3 162	226,7	2 620	205,7	2 584	234,3	1 706	241,3	6 023	1 143,7	2 580,6		
6	Алоқабанк	1 534	280,0	292	39,2	406	65,9	332	57,2	319	76,8	148	36,8	722	143,0	483,9		
7	Қишлоқкурилишбанк	31 665	3 118,9	5 434	435,9	8 482	651,4	7 064	695,2	5 817	332,6	10 064	1 293,3	12 588	1 894,6	9 751,7		
8	Микрокредитбанк	2 121	395,4	84	11,0	625	99,9	267	52,0	245	52,7	682	140,6	1 105	226,9	694,6		
9	Агробанк	1 614	319,5	48	7,0	59	8,2	253	44,0	385	109,7	916	168,9	904	168,2	565,5		
10	Туронбанк	1 559	312,6	104	14,0	39	6,2	205	40,0	331	85,2	687	141,3	837	159,4	558,6		
11	Бошқа банклар	8 758	2 072,4	677	195,8	570	107,3	1 922	292,9	832	238,3	2 911	712,9	6 934	1 850,0	3 429,0		

2.1-илова

2022 йил 9 ойида аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд. сўмда

№	Худудлар номи	Ажратилган кредитлар	шундан		манбаи бўйича				фоиз ставкаси бўйича		
			бирламчи бозорга	иккиламчи бозорга	банк ўз маблағлари	бюджет маблағлари	молия вазирлиги маблағлари	Ўзбекистон ипотеканинг қайта молиялаштириш компанияси	йиллик 15 фоизгача	йиллик 15 фоиздан юкори	
			сони	жами	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси	
ЖАМИ		53 541	10 342,4	7 977,1	2 365,2	2 608,8	1 705,4	5 898,7	129,5	1 734,9	8 607,4
1	Қоракалпогистон Республикаси	2 490	320,3	203,2	117,1	107,6	70,1	136,5	6,1	70,4	249,9
2	Андижон вилояти	3 788	755,1	588,5	166,6	124,5	147,9	473,3	9,4	146,6	608,5
3	Бухоро вилояти	2 780	448,5	363,7	84,8	42,0	82,6	319,5	4,4	65,7	382,8
4	Жizzах вилояти	1 957	370,8	248,2	122,6	100,1	69,0	197,1	4,7	72,9	297,9
5	Қашқадарё вилояти	3 054	438,4	349,5	89,0	59,2	109,9	263,5	5,8	119,3	319,1
6	Навоий вилояти	3 525	609,3	384,5	224,8	201,7	45,6	355,2	6,8	49,0	560,2
7	Наманган вилояти	3 299	597,8	531,2	66,6	46,2	121,8	423,4	6,4	124,7	473,1
8	Самарқанд вилояти	4 456	847,3	746,1	101,2	91,5	101,0	649,7	5,0	110,6	736,7
9	Сурхондарё вилояти	3 407	648,8	585,0	63,8	35,6	65,0	544,8	3,3	67,7	581,1
10	Сирдарё вилояти	1 304	225,6	168,5	57,1	54,0	56,3	113,3	2,1	60,6	165,0
11	Тошкент вилояти	4 199	619,1	383,9	235,2	207,6	227,0	171,0	13,5	214,1	405,1
12	Фарғона вилояти	5 263	869,6	738,6	131,0	121,0	67,8	674,3	6,5	71,3	798,3
13	Хоразм вилояти	3 336	415,9	267,0	148,9	89,4	41,8	276,8	7,8	42,2	373,7
14	Тошкент шаҳри	10 683	3 175,8	2 419,2	756,6	1 328,4	499,4	1 300,2	47,7	519,8	2 656,0

2.2-илова

2022 йил 9 ойида аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд. сўмда

№	Тизорат банклари номи	Ажратилган кредитлар	шундан		манбаи бўйича				фоиз ставкаси бўйича		
			бирламчи бозорга	иккиласми бозорга	банк ўз маблағлари	бюджет маблағлари	молия вазирлиги маблағлари	Ўзбекистон ипотекани кайта молиялаштириш компанияси	йиллик 15 фоизгача	йиллик 15 фоиздан юқори	
			сони	жами	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси	
ЖАМИ		53 541	10 342,4	7 977,1	2 365,2	2 608,8	1 705,4	5 898,7	129,5	1 734,9	8 607,4
1	Ипотекабанк	8 703	1 527,2	1 492,2	35,0	122,7	192,3	1 209,2	3,0	194,3	1 332,9
2	Асакабанк	730	151,3	133,5	17,8	3,5	1,6	143,2	2,9	3,5	147,7
3	Миллийбанк	13 206	2 800,7	2 202,2	598,5	591,1	1 147,8	1 056,0	5,8	1 180,2	1 620,5
4	Ўзсаноатқурилишбанк	1 789	277,4	235,0	42,4	72,3	11,0	173,2	20,9	13,1	264,3
5	Халқ банки	6 023	1 143,7	571,4	572,3	569,9	5,3	564,7	3,7	4,1	1 139,6
6	Алокабанк	722	143,0	136,6	6,5	4,3		138,7			143,0
7	Қишлоқкурилишбанк	12 588	1 894,6	1 745,4	149,2	25,1	347,3	1 513,8	8,3	335,6	1 559,0
8	Микрокредитбанк	1 105	226,9	193,5	33,4	20,2		206,7		0,0	226,9
9	Агробанк	904	168,2	130,4	37,8	4,5		150,6	13,1		168,2
10	Туронбанк	837	159,4	93,0	66,4	7,8		111,2	40,4		159,4
11	Бошқа банклар	6 934	1 850,0	1 043,9	806,1	1 187,3		631,2	31,4	4,0	1 846,0

3.1-илова

2020-2021 йиллар ва 2022 йил 9 ойида “Янги тартиб” доирасида ва Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан ахолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд.сўм

№	Худудлар номи	Жами ажратилган ипотека кредитлари		шундан,							
		сони	суммаси	янги тартиб доирасида		шундан, субсидия асосида ажратилган кредитлар		Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан		шундан, иккиламчи бозорга	
ЖАМИ		58 840	12 331,2	57 117	12 491,9	22 618	5 218,8	11 848	2 148,3	11 201	2 101,0
1	Қорақалпогистон Республикаси	2 350	392,9	1 792	319,8	211	44,3	921	133,4	890	131,0
2	Андижон вилояти	4 782	1 025,2	4 962	1 090,6	1 363	294,9	722	129,6	631	123,4
3	Бухоро вилояти	3 741	673,3	3 669	673,7	1 703	318,6	577	94,4	540	91,8
4	Жиззах вилояти	1 502	308,7	1 685	368,9	713	181,8	345	57,6	294	54,2
5	Қашқадарё вилояти	2 596	493,2	2 599	515,8	1 013	224,7	632	99,0	600	96,9
6	Навоий вилояти	4 345	783,1	4 077	762,3	892	165,3	1 103	181,2	1 054	177,9
7	Наманган вилояти	3 994	795,5	4 123	865,6	2 602	583,8	510	76,8	458	73,5
8	Самарканд вилояти	6 918	1 584,4	7 542	1 754,2	4 569	1 101,0	420	82,7	407	81,7
9	Сурхондарё вилояти	4 711	1 079,7	5 079	1 190,9	2 888	733,7	313	58,9	298	57,3
10	Сирдарё вилояти	1 031	196,9	1 008	202,9	200	53,9	312	54,4	282	51,9
11	Тошкент вилояти	2 976	526,0	1 701	334,9	403	92,9	1 594	254,6	1 541	250,1
12	Фарғона вилояти	7 364	1 374,9	7 554	1 472,7	3 085	639,0	787	107,0	709	101,9
13	Хоразм вилояти	2 755	447,8	2 766	443,9	972	198,5	789	135,3	719	130,2
14	Тошкент шаҳри	9 775	2 649,6	8 560	2 495,9	2 004	586,2	2 823	683,5	2 778	679,0

3.2-илова

2020-2021 йиллар ва 2022 йил 9 ойида “Янги тартиб” доирасида ва Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан ахолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд.сўм

№	Тижорат банклари номи	Жами ажратилган ипотека кредитлари	шундан,								
			янги тартиб доирасида		шундан, субсидия асосида ажратилган кредитлар		Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан		шундан, иккиласмчи бозорга		
			сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	
	ЖАМИ	58 840	12 331,2	57 117	12 491,9	22 618	5 218,8	11 848	2 148,3	11 201	2 101,0
1	Ипотекабанк	16 019	3 518,1	15 332	3 468,0	6 628	1 564,8	1 992	370,2	1 977	368,5
2	Асакабанк	2 453	490,3	1 414	309,8	621	150,7	1 323	246,6	1 279	243,3
3	Миллийбанк	5 892	1 357,3	7 492	1 817,9	3 094	727,6	249	65,1	211	62,3
4	Ўзсаноатқурилишбанк	3 745	716,2	1 631	351,1	558	139,6	2 671	465,3	2 671	465,3
5	Халқ банки	3 712	697,0	5 215	958,4	1 925	438,0	114	29,1	114	29,1
6	Алоқабанк	922	202,0	1 096	238,5	467	105,9				
7	Кишлоқкурилишбанк	13 749	2 799,6	15 004	3 104,5	5 598	1 227,0	1 141	225,5	1 140	225,5
8	Микрокредитбанк	2 190	427,2	2 509	496,7	1 113	240,1				
9	Агробанк	1 999	387,7	1 678	334,8	1 022	219,7	705	124,2	699	123,3
10	Туронбанк	1 891	364,8	1 112	208,7	412	86,4	936	191,5	840	182,3
11	Ипак Йули банк	66	15,4	66	15,4	38	8,7				
12	Хамкор банк	3 446	595,6	1 225	245,6	371	80,8	2 717	430,7	2 270	401,4
13	Капитал банк	532	129,4	532	129,4	43	10,0				
14	Ориент финанс банк	2 224	630,5	2 811	813,2	728	219,5				

4.1-илова

2022 йил 9 ойида “Янги тартиб” доирасида аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд.сўмда

№	Худуд номи	Жами		шундан,									
				1 хонали квартира		2 хонали квартира		3 хонали квартира		4 ва ундан кўп хонали квартира		якка тартибдаги ўй-жойлар	
		сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси
ЖАМИ		26 588	5 898 690,7	1 632	325 073,5	11 154	2 523 311,0	7 611	2 001 431,1	884	302 717,9	5 307	746 157,2
1	Қорақалпогистон Республикаси	831	136 509,1	45	7 313,7	226	45 003,8	131	30 860,7	5	1 327,6	424	52 003,3
2	Андижон вилояти	2 181	473 264,8	46	9 048,1	1 020	228 863,5	700	173 872,8	31	8 726,1	384	52 754,3
3	Бухоро вилояти	1 724	319 541,7	94	15 599,3	703	133 303,2	502	110 190,3	11	2 919,8	414	57 529,2
4	Жиззах вилояти	920	197 111,0	31	7 267,5	313	76 683,9	235	64 096,8	9	2 392,1	332	46 670,7
5	Қашқадарё вилояти	1 429	263 487,8	86	15 447,4	630	120 918,7	313	72 602,9	11	2 839,1	389	51 679,7
6	Навоий вилояти	1 916	355 235,8	256	43 625,7	786	156 339,3	403	89 714,0	29	7 230,5	442	58 326,3
7	Наманган вилояти	1 823	423 366,6	84	17 591,6	985	246 769,2	520	123 971,7	14	4 096,5	220	30 937,6
8	Самарқанд вилояти	2 825	649 729,9	206	41 258,7	1 344	307 041,8	962	244 562,0	57	16 060,9	256	40 806,5
9	Сурхондарё вилояти	2 294	544 824,3	70	14 496,0	1 138	276 220,6	677	191 830,0	31	8 300,0	378	53 977,8
10	Сирдарё вилояти	608	113 258,5	15	3 614,8	126	34 864,5	85	24 967,0	4	1 182,2	378	48 630,0
11	Тошкент вилояти	875	171 036,6	30	5 421,2	326	71 229,9	161	39 080,9	12	2 805,5	346	52 499,0
12	Фарғона вилояти	3 389	674 263,4	166	28 757,1	1 464	294 729,8	976	222 283,9	84	20 373,1	699	108 119,6
13	Хоразм вилояти	1 740	276 849,0	101	15 954,0	610	98 170,2	362	66 097,4	22	4 404,0	645	92 223,3
14	Тошкент шаҳри	4 033	1 300 212,1	402	99 678,5	1 483	433 172,4	1 584	547 300,8	564	220 060,4		

4.2-илова

2022 йил 9 ойида “Янги тартиб” доирасида аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млн.сўмда

№	Тизорат банклари номи	Жами		шундан,									
				1 хонали квартира		2 хонали квартира		3 хонали квартира		4 ва ундан кўп хонали квартира		якка тартибдаги уй-жойлар	
		сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси
ЖАМИ		26 588	5 898 690,7	1 632	325 073,5	11 154	2 523 311,0	7 611	2 001 431,1	884	302 717,9	5 307	746 157,2
1	Ипотекабанк	5 127	1 209 239,3	404	84 875,5	2 553	596 582,0	1 825	454 354,6	239	66 141,4	106	7 285,8
2	Асакабанк	626	143 247,0	49	10 338,9	246	55 915,4	190	51 958,3	13	3 404,3	128	21 630,1
3	Миллийбанк	4 024	1 055 992,8	421	69 539,7	1 209	294 005,9	1 241	394 428,4	457	180 008,0	696	118 010,8
4	Ўзсаноатқурилишбанк	803	173 191,1	39	6 233,8	271	61 963,3	207	56 747,0	36	10 547,1	250	37 699,8
5	Халқ банки	3 342	564 713,2	160	33 795,4	853	192 802,2	386	89 155,6	24	5 872,0	1 919	243 088,0
6	Алоқабанк	643	138 718,8	24	5 002,7	267	56 454,6	135	33 615,9	14	3 637,0	203	40 008,6
7	Қишлоқкурилишбанк	7 200	1 513 830,9	13	3 577,9	3 812	814 962,6	2 318	559 741,5	4	1 059,5	1 053	134 489,4
8	Микрокредитбанк	1 046	206 713,5	53	10 619,1	422	88 923,6	293	69 071,2	5	1 227,2	273	36 872,3
9	Агробанк	821	150 633,0	32	5 183,5	374	68 228,4	226	50 271,6	8	2 115,0	181	24 834,4
10	Туронбанк	616	111 186,4	93	14 343,3	285	59 447,2	38	9 682,5	7	1 918,2	193	25 795,1
12	Хамкор банк	900	182 722,1	55	10 308,7	289	59 432,1	238	53 292,2	15	3 387,6	303	56 301,5
14	Ориент финанс банк	1 440	448 502,4	289	71 254,8	573	174 593,6	514	179 112,2	62	23 400,4	2	141,4

5.1-илова

**2022 йил 9 ойида “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” маблағлари
ҳисобидан аҳолига ажратилган ипотека кредитлари**

млн.сўмда

№	Худудлар номи	Ажратилган кредитлар		шу жумладан,					
				бирламчи бозордаги уй-жойлар учун		иккиламчи бозордаги уй-жойлар учун		уй-жойни таъмирлаш учун	
		сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси
ЖАМИ		945	129 549,6	5	1 420,0	641	108 978,9	299	19 150,7
1	Қорақалпогистон Республикаси	66	6 093,5			57	5 514,3	9	579,3
2	Андижон вилояти	103	9 417,4			52	6 029,3	51	3 388,1
3	Бухоро вилояти	48	4 367,3			24	2 736,3	24	1 631,0
4	Жиззах вилояти	34	4 658,6			21	3 943,8	13	714,8
5	Қашқадарё вилояти	53	5 803,7			35	4 759,0	18	1 044,7
6	Навоий вилояти	63	6 760,0			30	4 496,0	33	2 264,0
7	Намангандарё вилояти	64	6 425,7			33	4 454,7	31	1 971,0
8	Самарқанд вилояти	39	5 036,0	1	150,0	32	4 493,0	6	393,0
9	Сурхондарё вилояти	30	3 291,8			25	2 995,8	5	296,0
10	Сирдарё вилояти	14	2 074,0	2	482,0	7	1 280,0	5	312,0
11	Тошкент вилояти	92	13 516,9	1	400,0	62	11 046,1	29	2 070,8
12	Фарғона вилояти	74	6 512,5			40	4 606,3	34	1 906,2
13	Хоразм вилояти	70	7 846,3			45	6 316,7	25	1 529,6
14	Тошкент шаҳри	195	47 746,0	1	388,0	178	46 307,6	16	1 050,4

5.2-илова

**2022 йил 9 ойида “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” маблағлари
ҳисобидан аҳолига ажратилган ипотека кредитлари**

млн.сўмда

№	Тижорат банклари номи	Ажратилган кредитлар		шу жумладан,					
				бирламчи бозордаги уй-жойлар учун		иккиламчи бозордаги уй-жойлар учун		уй-жойни таъмирлаш учун	
		сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси
ЖАМИ		945	129 549,6	5	1 420,0	641	108 978,9	299	19 150,7
1	Ипотекабанк	11	3 016,1			11	3 016,1		
2	Асакабанк	21	2 935,8			20	2 875,8	1	60,0
3	Миллийбанк	20	5 778,9			19	5 698,9	1	80,0
4	Ўзсаноаткурилишбанк	254	20 852,3			254	20 852,3		
5	Халқ банки	14	3 740,3			14	3 740,3		
6	Қишлоқкурилишбанк	28	8 328,0			28	8 328,0		
7	Агробанк	48	13 088,0	2	482,0	46	12 606,0		
8	Туронбанк	169	40 369,7	3	938,0	157	38 845,3	9	586,4
9	Хамкор банк	380	31 440,7			92	13 016,4	288	18 424,3